

# ТОНГ ЙОЛДУЗИ


№ 31  
( 65823 )  
15 ноябрь,  
1994 йил  
сешанба  
сотувда эркин  
нархда

Ўзбекистон болалари ва ўсмириларининг газетаси



Инв. № "Ёш мухбир" муҳарририяти бош мухаррири:

## Ўзимиз ёздиқ, чиздиқ, таҳрир этдиқ, нашрга тайёрладик



**Шукратбек МАМАДВАЛИЕВ,**  
"Ёш мухбир" муҳарририяти бош мухаррири:

— Биз — Келажакмиз! Шундай экан Ўзбекистонимизнинг келажакда буюк бўлиши учун биз ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Фарзанд номини оқлаш осон эмас. Бу иша Сизларга мустаҳкам ирова тилайман.



**Зиёда АКБАРҚУЛОВА,**  
бош муҳаррир ўринбосари:

— Орзулар чўққидек улуғвор.

Барчангиз ушбу нурли чўққининг соҳиби ва соҳибаси бўлишингизни чин дилдан тилаб қоламан.



**Толиб ТЕМИРОВ,**  
масъул котиб:

— Азиз мендошларим, ёлғон гапиришга ўрганманг. Доим рост гапиринг. Ҳаётнинг аҷчиғини ҳам чучугуни ҳам татиб кўринг. Шундагина сиз уларни ҳаётий тасвирлай оласиз. Ўз ҳуқуқингизни билинг, шундагина сизни ҳеч ким алдай олмайди.



**Дилфузада БЕГИМОВА,**  
"Мактаб ва болалар ҳаётни" бўлими:

— Бепоен дунёнинг бепоен орзулар водийисида беғубор ешлик ўйқусидан ўғониб улгурмаган мендошларимнинг келажак тонги июль қуёшидек порлоқ ва файзли дамлар шодлигидан ёришсан. Ёрқин қуёш шуълаларининг чеҳрасига булатлар парда бўлишини ҳеч хоҳламайман.

"Тонг юлдузи"нинг ўзига хос анъаналари бор. "Ленин учқуни" (ҳозирги "Тонг юлдузи") дарслари, келажакда журналист бўлиши орзу қилган болаларнинг газета нашр этишлари ана шулар жумласидан эди. Биз бугун ушбу анъанани давом этирмоқчимиз.

Республикамизда иқтидорли болалар жуда кўп. Кейинги йилларда уларга берилётган эътибор ёшларнинг билимларини янада чукурлаштиришга, ўз қобилиятлари ва истеъодларини намойиш этишга имкон яратди. Тошкент шахридаги Республика Нафис санъат лецийда ҳам ана шундай қобилиятли болалар таълим олишиади. Уларнинг диллари орзу-ҳавасга тўла. Энг асосийеса — она юртимизнинг санъати ва адабиётни янада юксакларга кўтариш. Шу сабаб ҳам улар газета таҳририяти тез-тез келиб туришади. Дилларидан қайнаб тошган истеъодд булоги сарчашмаларидан таҳририят ходимларини, қолаверса газетхонларимизни ҳам баҳраманд этишади. Ана шулар натижаси ўлароқ, биз бу болалардан "Ёш мухбир" муҳарририяти ташкил этишга қарор қилдик. Газетанинг аввалги йиллардаги анъанасига кўра ушбу "Ёш мухбир" муҳарририяти "Тонг юлдузи"нинг бир сонини "ўз юлларидан чиқаришга" қарор қилишди. Буғунги "Тонг юлдузи"нинг сони — уларнинг ижодлари, хис-ҳаяжонлари, кўрган-кечиргандар. Бир сўз билан айтганда, ушбу газета сонини улар "ўзлари ёзиши, қизишибди ва нашрга тайёрлашди..."

Хуқмнингизга уларнинг журналистик қобилиятларини намойиш этар эканмиз, ушбу газета сони ҳақида, болаларнинг ижоди ҳақидаги фикрларингизни билишни истардик. Ушбу фикрлар орқали биз келажакда ҳам бу анъанани давом этириш ҳақидаги ҳуқмни чиқаражакмиз.

"Тонг юлдузи" газетаси мухарририяти.



**Хуршида ПОЛВОНОВА,**  
"Истеъодд" клуби:

— Ёдингда бўлсинким, ҳаётнинг сўқмогида тошларга қоқиласан, лекин сен чўққиларга етишишинг керак. Шундай экан, дилингда энг бујук Орзунг бўлсин!



**Шоди ОТАМУРОДОВ,**  
"Адабиёт ва санъат" бўлими:

— Ўзбек халқи азал-азалдан болажон ҳалқ. Ота-оналар эса фарзандларининг ҳар биттасига жонини бирдек фидо қилади, уларни жон дилидан севади.

Шунинг учун ўзбек халқи орасида шундай мақол бор: "Бола азиз, одоби ундан азиз".

Шундай экан, барча ёшларнинг одобли, ўқимишли, билимдон бўлишини хоҳлайман.



**Зулфија УСМОНОВА,**  
"Нилуфар" клуби:

— Балиқ сув билан тирик бўлгани каби, инсон ҳам ўз орзу-умидлари билан барҳаётдир. Шундай экан, орзулар оламида лочиндек парвоз қил! Умидлар ҳеч қачон қалбингни тарк этмасин!



**Қодир ТИЛЛАБЕКОВ,**  
"Фан — техника" бўлими:

— Устозингни ҳурмат қил, шунда сен ҳам келажакда иззат топасан. Ота-онангни кўзи очиқлигига рози қилгин, кейинчалик "аттанд" қилиб юрмагин.

Гўзаллик илмадидир, сен шуни асло унумтмагин.



## Дил изҳори БИЗНИ ВАТАН КУТАДИ

Маълумки, Мустақилликка эришиб ўз миллий қадрияларимизга, маданиятимизга ва миллий гуруримизга эга бўлдик. Юртимизнинг ўз равнақи йўлида ўзимизга ўзимиз катта, кенг йўллар очиб бормоқдамиз. Мустақиллик бизга ана шундай буюк неъматни, баҳт-саодатни берди. Ўзбекистон ўз ҳарбий кучига ҳам эга бўлди. Таълим-тарбия ишларига эса катта эътибор берила бошланди. Турли вилоят марказларида, шунингдек, пойтахтимизда ҳам ёш авлоднинг дадил қад кўтариши йўлида гимназиялар, лицейлар очилди. Президентимиз айтганларидек: "Ўзбекистон-келажаги буюк давлат".

Зоро, шундай экан, ана шу келажага биз ёшлар қўлидадир. Энди ҳар бир ўқувчи, ҳар бир ёш авлод келажак олдидағи буюк масъулиятимизни қалбларда ҳис қилган ҳолда, илм сўқмоқлари сарни интилиб боришимиз керак. Фикриминг охирини буюк академик Faafur Fulyominning қўйидаги мисралари билан тутгаттим келди:

... Аъло мамлакатининг аъло фарзанди, Билиб кўйки, сени Ватан кутади...

Шоди ОТАМУРОДОВ.

"Ўзбекнинг маликаси" билан 4-саҳифада таниппасиз.

## Ҳаётни таниш КЎНГИЛ [қатра]

Ҳаво очиқ эди. Қуёшнинг заррин нурлари майсаларнинг бағрини қитиқлаб, ерга аста сингиб кетмоқда. Шундай кунларда болаларнинг завқлари чексиз. Кимдир ҳовли юзидағи гуллар орасида гоҳ гул япрогига беркиниб, гоҳ учиб юрган

капалакларни, кимдир болаларнинг чўмилишидан завқланиб, кўкка сакраётган сув томчиларини зўр иштиёқ билан томоша қиласяпти.

Болалик... Ҳали бу дунёнинг ғам-ташвишларидан бехабар, ҳаётни фақат ўзи кўриб турган чўмилиши учиб юрган капалаклардан иборат деб билган болалик...

Уша кўни ҳам ҳаво очиқ эди. Бир тўп бола кўзимиз тўла аччиқ ёш билан саф тизиб турардик. Юзимизни юваётган ёш билан онамиздан шириналлик ололмай ийғлаганимиздаги ёшнинг орасида жуда катта фарқ бор. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳаётни фақат

(Давоми 2-бетда).

## КҮНГИЛ

(Давоми, бошланниши 1-бетда).

лу лоладан иборат деб билган Гулноза тақдир тақазоси билан ўлимнинг совуқ юзини кўрди. Кўз ўнгимизда кеча бор эди, бу гун йўқ. Уни машина уриб юборди. Кўча қоидасини ким бузгани ҳозирча номаълум.

Дунё ёғаётган ёмғирдан сўнг чиқадиган камалакдан, күёшнинг ханжар каби ўткир нурлари остида яраланган заминнинг бағридан, карвон бўлиб чиқаётган қумурсқалардан иборат деб билган жажжигина юрагим жароҳатланган эди. Бу ўлим, кўрқинч исёни эди. Бу ҳаётдан еган илк тарсаки эди! Бу ҳушёр яшашга уринган юракка қаттиқ зарба эди.

Зиёда АКБАРҚУЛОВА.



ЛЪ -

## МЕН ХУШ КЎРГАН ЧЎҚҚИ

... Тоғлар! Заминнинг кўксидаги неча дикир сакраллари кўзга ташланади. минг асрлардан бери чўзилиб ётган Тоғнинг энг бошида ҳали эриб тоғлар... Улар ҳар доим буюkdir, битмаган оппоқ қорлар ялтирайди. ҳамиша магрур туришади.

Албатта, ҳар дам шаҳардан чопа бошлайман ва ёшлигимда ҳар доим қишлоққа борганимда, ана шу буюк ўзим ёқтирган тоғ чўққиларининг тоғлар ҳали ҳам магрур турган бўлади. бирига чиқаман. Бу чўққи тоғнинг энг Тоғлар этагига кириб боришим билан тоғ баландчиларида, айниқса, кўклам пайтларида қўйларнинг маъраши, чўпоннинг узун таёрини кўтариб “курей-курей”лаши эштилади. Еш қўзичоқларнинг бир-бiri билан чопишиши, жажжи улоқчаларнинг эса у ёқ, бу ёққа югуриб диконглапи, харсангтош устига чиқиб олиб, дикир-

таътилда ана шу тоғлар бағри томон қишлоққа борганимда, ана шу буюк ўзим ёқтирган тоғ чўққиларининг тоғлар ҳали ҳам магрур турган бўлади. бирига чиқаман. Бу чўққи тоғнинг энг баланд чўққиларидан биридир. Баланд жойда харсанг тошлардан бирининг устида ўтириб олиб бир зум чор тарафга кўз ташлайман. Шунда бутун текисликлар, узоқларда жойлашган ки- чик-кичик қишлоқлар кўринади. Биз нинг қишлоғимиз тоғ этагига жойлашган жойлашган. Тоғ этагига жойлашган қатор-қатор оувуллар эса ана шу

чўққидан жуда чиройли, сулув бўлиб, кишининг кўз олдида турди. Овулнинг этаги эса узоқ-узоқларга чўзилган кенг далалардир. Қишлоқ кўклам пайтида ям-яшил кийинган, гўзлар, кенг далалар эса ундан-да ям-яшил майсаларга бурканган. Ана шу чўққидан чор тарафга қараганимда бутун дунёнинг ярмини кўргандек бўламан. Шунинг учун бу чўққи ёшлигимдан дилим тўрига жуда-жуда яқин турди. Ҳар доим шаҳардан қишлоққа борганимда ўзим хуш кўрган чўққига чиқиб олиб, чор тарафга қараб, олам гўзллигидан завқ, ором олиб томоша қиласман.

Шоди ОТАМУРОДОВ.

## Тез айтишлар

Асакалик Асад асли асал асрайди.

Суннат сараланган сабзини Самарқандда саккиз сўмдан сотди.

Тяньшан тоғининг тагида тириллаб турган Темир тогамнинг тракторини товуши тўрт томонга таралиб турибди.

Т.ТЕМИРОВ

## ИСТЕДОДНИНГ ИККИ ҚАНОТИ ҲАҚИДА ДИЛ СЎЗЛАРИ



Ахмаджон МЕЛИБОЕВ,  
“Ўзбекистон адабиёти ва  
санъати” рўзномасининг бош  
муҳаррири:

1. Халқ таълими вазирлиги ташабbusi билан ташкил этилаётган бу мушоиранинг аҳамияти жуда катта. Бу аҳамият яна беш-ён йиллардан кейин бутун бор бўйи билан намоён бўлади, яъни катта ҳосил беради. Негаки, истеъодидни қанча эрта - пайқасак уни қанча ёшликдан ардоқласак, шунча яхши. Ижодни бир сўз билан ривожлантириш ёки бир гап билан сўндириб қўйиш мумкин. Шу маънода, бу мушоира жуда ёрқин истеъододларни очади, деб умид қиласман.

Тўғри, одам бирданнита яхши шоир ёки ёзувчи бўлиб қолмайди. У тинимиз ўқиши, ҳаётин кузатиши керак. Бундай кишиларнинг “учинчи кўзи” – қалби ҳамиша уйроқ бўлиши шарт.

Мушоира қатнашчиларига сабрли, бардошли, зукко, топқир бўлиши маслаҳат бераман. Улар шу куни кўплаб таникли ижодкорлар билан учрападилар, улардан ижод сирларини ўрганадилар деб ўйлайман. Айни вақтда ўқувчилар бир даврага

бериши ва у анъанага айланиб қолишига ишонгимиз келади. Сиз ёш жамоатчи муҳбирлар ўзинизга топширилган бу минбарда болаларнинг турли-туман фикрларини берасизлар, мақтанчоқлик, бегубор соддалик ва зуқколик каби фазилатлар газета саҳифаларида ўз аксини топиши керак.



Сайдулла ҲАКИМ,  
“Маърифат” газетасининг  
бош муҳаррири:

1. Аввало, ижодкорлик яратганинг бир иноятидир. Лекин шундай экан, деб лоқайдликка берилиш катта йўқотишидир. Ёш қўнгилда ижод иштиёқи доимо ловуллаб турмори лозим. Шунинг учун ҳам яқин кунларда бўладидан ижодкор ўқувчиларнинг мушоираси истеъододларни ўзага чиқарадиган, ҳар ким ўз меҳнатига ўзи аниқ баҳо оладиган тадбир бўлади, деб биламан.

Бугунги ёш қаламкашларнинг бундан олдинги авлоддан устун бир жиҳати бор. Улар то шу пайттача катта авлодлар назаридан пинҳон сақланган улкан маънавий меросимиздан ўз вақтида баҳраманд бўлмоқдалар. Мустақиллик шарофати туфайли юзага келган бу юқсаклик уларни янада юкори қўққиларга кўтариши шубҳасиз. Янги аср шеърияти чинакам маънода нафис ва гўзал, ҳалқил ва бой шеърият бўлиши аниқ. Ёш ижодкорларга ана шу юқсакликлардан ўрин насиб этсин.

Шеър – ҳаёт қанотларидан тўкилаётган туйрудир. Мавзу танлаб ёзиш шеър табиатига у қадар мос нарса эмас. Чунки илдам ҳаётда ҳеч қачон эртага е индинга, нимадандир хурсанд ёки нимадандир хафа бўлишини мўлжаллаб юрмайди. Шеър – ҳаётий кечинмаларнинг инъюкоси.

Демак, чинакам шеър ҳаёт воқеаларига фаол муносабат, одамлар тақдиринга тақдирдоплил, табиат эврилишларига яқинлик ҳосиласидир. Мен яқинда бир робой ёздим, лекин унинг илк ургулари кўнглигита қачон сепилганини билмайман. Яқинда қишлоқдан келган бир киши билан сұхбатлашиб қолдим. Унинг кийимлари ўнгиг кетган, серажин юзлари қорайган, аммо сұхбатлашгандага у кишининг мендан-да билимлироқ, донишмандроқ, қалби саҳоватлироқ инсон эканлигини англадим. Мана ўша рубой:

Сирли, самандар дунё: ажаб-ажаб, кизикдир. Кўк сув она боласи — лола юзи кирмиздир.

Суврату сийрат, иллоҳ, ўхшаш эрмас доимо, Оғзи куюк тандирнинг бағри тўла қизил дур!

2. Мен истеъодиди журналист, топқир ташкилотчи Музаффар Пирматовдан газетанинг бир сонини Алишер Навоий номидаги Республика Нафис Санъат лицеийи ўқувчилари, чиқаришини режалаштирганини эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Катта ижодга эндиғина қадам қўяёттанин укаларим, сингилларимга шундай имконият яратилганига ҳавасим келди. Биз Сизларнинг ёшлигизда экан пайтимизда бундай имкон ва илонч йўқ эди. Таникли журналистлар ва шоирлар биз учун илоҳиёт фарзандларидек сирли ва азиз эди. Республика рўзномаси бўлса, чиқабт – ўзим, ўзим қўққидек салобатли эди. Бу ташаббусдан сиз – ёш журналистлар ҳам, газета ҳам ютасизлар. Негаки, сиз ёшлар чинакамида мустақиллик қаламкашларидисизлар. Сизинг қалбиниз ўзимиздан берубор, нафасингиз тоза, қаламиниз кўклам новдасидай охори ва кўркам. Шу жиҳатдан газета ютади.

“Тонг юлдузи” жумхуриятимиздаги барча болаларнинг энг суюкли нашри. Энди тенгдошлариниз газетада номингизни кўриб, ижодингизни ўқиб, ёш қўнгилларидан ширин бир орзиқиши туди. Бу жиҳатдан сизлар ютасизлар. Истагим, илк қадамингиз кутлуг бўлсин! Янги асримизнинг забардаст қаламкашлари бўлиш баҳти насиб этсин!

“Тонг юлдузи” ёруғида бошланаётган йўл бир куни, албатта, “Маърифат”га олиб боришига ишонаман. “Маърифат”га ҳам шундай сонларини сиз ёш қаламкашлар иштироқида чоп этиши насиб этади, дейа умид қиласман.

Шуҳрат МАМАДВАЛИЕВ ва Толив ТЕМИРОВ ёзиб олди.

## Дил изҳори АРМОНЛАРГА АЙЛАНМАГАЙ ОРЗУЛАР

Орзулар! Инсонлар орзу, олам-олам ҳаваслар билан яшайдилар. Улар бир-бирларига орзу-умидларини айтиб, дардлашадилар.

Сиз бирон марта болалар қалбига, уларнинг орзу-армонларига қулок тутганимисиз?

Кўпчилек ҳозирги давримизда Навоий, Бобур, Амир Темурлар етишиб чиқмаяпти дейишади. Ҳа, бу гапда жон бор. Етмиш йилдирки, миллатимиз мудраб яшади, манкүртга айланниб қолишига, ўзлигимизни ёддан чиқаришдек оғир гуноҳга олиб борувчи жарга қулашимизга оз қолган эди. Шундай экан, юқоридаги муаммонинг илдизи шу ерга келиб тақалади, десак адашмаган бўламиш. Мана, миллат кўзини қоплаб олган ғафлат пардаси аста-секин кўтарилимоқда. Кишиларда миллӣ онг, миллӣ турур қад ростлаётir. Лекин булар мамлакатимизда истеъоддилар катта йўлга чиқиб олиши, деган гап эмас.

Ёшларӣ биздан улугроқ не-не истеъоддларнинг қалблари лоқайдик уйқусида тош қотган эди. Бу тош остида неча-нече бўлажак Бобурларнинг идроклари, не-не Нодирабегимларнинг туйгулари сўниб улгурган эди. Оталаримизнинг, оналаримизнинг тенгдошлари орасида етишиб чиқиши мумкин бўлган қанча-қанча Улуғбеклар, Ибн Синоларнинг тафаккур кўзлари мустамлакачилик тузумининг сароб ваъдалари ортидан саргардон кезиб, нурдан қолганди...

Мустақиллик йўлига дадил қадам босган республикамиздаги ҳозирги вакътичалик иқтисодий етишмовчиллар ана шундай ўзлари адашган кишиларнинг не-не фарзандлари қўлларига "Мантиқ ут-тайёр" китоблари ўрнида "тижорат" деган ёғон ҳижобга ўралган текинтомоқлик ҳаю-ҳавасини ўстирмоқда. Юлдузлар илмини ҳисоблашга ато этилган не-не тафаккулар кўчаларда сақчилар ва папирослар сотишдан тушадиган "фойда"ни ҳисоблаш кўйига тушиб қолиши. Мен буларни ўйлаганди, қийалиб кетаман. Мамлакатимизнинг буюк келажагини яратишга қодир кичик даҳолар тезроқ ўз ўрнига қайтишларини истайман. Шунда кўнглимдаги гумонларни парчалаб бир ишончи порлаб кетади. "Хўш, ўзинг-чи-ўзинг!" деб шивирлайди ички бир овоз. Сен ҳам агар бундан тўрт-беш йил олдин мана шу бугунги эътиборни тушингда бўлса-да кўрармидинг?! Сенинг ўн олти ёшинг ҳам бирорлар учун сув текин ҳом ашё етказиб бериш учун мардикорликка ҷоғланган бўлар эди. Мана бу лицейларга келишига йўл бўлсин эди! Ўзбекнинг иқтидорлilarини саралаб олиб, уларни парваришилаша қизил империя сиёсатига сифаримида!

Мана, бугун сенинг, тенгдошларнинг орзуларини илғаб оладиган меҳрибонлар келиби юрт бошига! Ота-оналар фарзандларининг келажаги ёруғ бўлсин учун сенинг ҳатто уйдаги ёрдамларингдан да воз кечиб, сени илм даргоҳига йўллабди! "Қувон, бундан", — дейди ички бир туйғу.

Ишонаманки, бундай бедорлик, бундай қалб сўроғи менинг кўпгина тенгдошларимизнинг ҳам ҳаёлларига чирмашган, ҳаёлларига тирмашган! Энди, бу ёғи бизнинг бу имкониятлардан қандай фойдаланишимишга боғлиқ! Агар эркодатлик шираси кўзимизни тўсиб қўйимаса, агар шуҳрат гадоси бўлиб, истеъоддимизни хор этмасак, агар лоқайдик ва япқовлик ғайратимиз этагидан тортмаса, иншооллоҳ, орзуларимиз армонларга айланмагай! Ватан ва ҳалқ ишончи бизни юксакларга ундағай!

Хуршида ПОЛВОНОВА.



Анбиоз ҳайвонлар карахт бўлиб умрининг кўп қисмини ухлаб ўтказишиади. Ухлаётганди қувват кам сарфланиб, овқат кўп талаб қилинмайди. Шунинг учун тимсоҳ овқат емасдан — 700 кун, тошбақа — 500 кун, қурбақа — 400 кун, карасъ балиғи — 150 кун яшай олади.

Франциянинг Нейн шаҳрида яшовчи соатсоз Жерж Вител баландлиги 3,2

метр, оғирлиги 150 кг. келадиган (гуғурт чўпдан) минора ясади. Минора ясашга 2,5 миллион дона гуғурт чўпу сарф бўлди.

Съерра-Нева дареси этагидаги генерал Шерман номли боғда ўсаётган секвойя дараҳтининг баландлиги 100 метр, ёши 3500 йилга тенг. Мутахассисларнинг фикрича, биргина шу дараҳтдан 30 ўйдан иборат қишлоқ қуриш мумкин экан.

Инсондаги бир суткада чиқадиган иссиқлик 3

тонна сувни 1градусга иситиши ёки иккى чеълак сувни бемалол. қайнатиши мумкин.

Оғирлиги 70 кг бўлган одамнинг массаси ойда 11,4 килограммга тенг.

Лифт биринчи марта Людовик XV саройида ўрнатилган. Лифтни хизматкорлар ҳаракатга келтириб тuriшган.

Ниначид 30000 та кўз бор.

Дунёдаги энг кичик давлат — Ватикан. Унинг аҳолиси — 1000 киши, майдони — 0,44 кв. км.

### Ҳазил саволлар

1. Товук нима учун совуқда бир оёқда туради?
2. Сувнинг тагида қандай тош бўлмайди?
3. Нима учун қўй охурга югуриб боради?
4. Сигир нима учун ётади?
5. Одам нега орқасига қарайди?
6. Қандай қуш учолмайди?
7. Кун билан тун нимаси билан фарқ қиласди?



Парвозинг юксак бўлсин, тайёрам!

## КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ

### Ўқувчининг ўқитувчи олдидағи бурчлари ва ҳуқуқлари

Мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳозирги ўтиш даврида ёш авлоднинг матънавий оламининг шаклланиши ватанимиз келажаги учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Юрбошимиз ва Халқ таълими вазирлиги шунинг учун хам ёшларни ўқитиш, ватанпарвар қилиб тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу — Ўзбекистонимизни жаҳондаги етук мамлакатлар каторига олиб чиқишига қодир инсонлар камол топиши ўйлидаги гамхўрликдир.

Биз ҳуқуқий давлат кураётган ҳозирги шароитда барча соҳаларда бўлгани каби ўқувчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини белгилашда ҳам янгина мезонлар яратилмоқда. Ҳозирги давр ўқувчининг ўқитувчи олдидағи ҳуқуқ ва бурчлари мавзудидаги сұхбатимизда меҳнат фаҳриси, Республика ўқув методика марказининг аъзоси, ҳалқ маорифи аълоҳиси Йўлдош ака Норхўжаев билан тарих фанлари номзоди Наим ака Норқуловлар иштирок этмоқдалар.

— Умуман, ўқувчининг ўқитувчи олдидағи



— Яна "дий-диё" бошланди...

РАЛЬБЕКОВ СУРАТ-ЛАВҲАСИ.

бурчлари нимадардан иборат?

Й. НОРХЎЖАЕВ: — Дарсга пухта тайёргарлик кўриш, дарсда интизом саклаб, ўтилаётган мавзуни ўзлаштириб олиш, ўқитувчи берган топшириклирни ўз вақтида бажариш, дарсларга ўз вақтида келиш, устозлар олдида ўзини яхши тутиб, ўқитувчини хурматлаш, устозга қарши бормасдан, ўқитувчи билан бамаслаёт ҳолда иш юритиш.

Н. НОРҚУЛОВ: — Менинг ҳам фикрим шундай.

— Агар ўқувчи ўз бурчларини бузмаса-да, аммо ўқитувчи директорданни ёки бошқаларданни гап эшитган бўлса-ю, ўқувчининг сал қаттироқ кулгусидан ҳам ранжиса ва уни уриб юборса, ўқувчи нима килиши керак?

Й. НОРХЎЖАЕВ: — Авваломбор, ўқитувчи ҳар қандай шароитда ҳам талабаларга қаттиқ гапиришга, уларни ҳақоратлашга ёки тан жазоси беришга ҳақли эмас. Лекин гоҳо айрим ўқувчилар ўқитувчи олдидағи ҳуқуқ ва бурчлари мавзудидаги сұхбатимизда меҳнат фаҳриси, Республика ўқув методика марказининг аъзоси, ҳалқ маорифи аълоҳиси Йўлдош ака Норхўжаев билан тарих фанлари номзоди Наим ака Норқуловлар иштирок этмоқдалар.

— Умуман, ўқувчининг ўқитувчи олдидағи

— Борди-ю ўқувчи Устози билан ўзини отаболадай яқинмиз деган андишада бу гапни ўзлари ҳал килишларини истаса-чи?

Й. НОРХЎЖАЕВ: — Унда ўқувчи дарсдан ташқари вақтда ўз ўқитувчинини ҳоли топиши ва мулоҳазаларини одоб билан оҳиста, асослаб муаллимига айтиши керак. Ўқитувчи ҳам, ўз навбатида, агар хато кетган бўлса, буни тан олиши ва ўша хато кетишнинг асоси билан болани таништириши, ўзидан бошқа киши бўлганида у ҳам шундай ҳолга тushiши мумкинлигини исботлаб бериши зарур.

Н. НОРҚУЛОВ: — Менимча, бундай ҳолларда ҳалқимизнинг "Бир каттанинг гапини тингла, бир кичикнинг" деган нақлга амал килган маъқул.

Сұхбатни Қодир ТИЛЛАБЕКОВ ёзиб олди.

Баҳс

## БУ МУҲАББАТ БЎЛСАЧИ?

— Қара, ким келяпти?

— Ие, йигитинг-ку, Муяс...

— Ўзиям ишқингда

Мажнун бўлиди.

Кизлар Муяссарни ҳар томондан туртилашиб, келаётган йигитга имлашиб, кулишарди.

— Уни пешлама менга!

Келаётган йигит кўз қири билан уларга қараб ўтиб кетди. Бироз юргач, орқасига қаради. Кизлар унга ўтирилиб қараётганини кўриб, ўз ўйлида давом этди.

— Ўзиям жуда яхши йигитда!

— Нимаси сенга ёқмаяпти? Яхши-ку!

— Лекин энди унақасини тополмайсан.

Кизлар яна уятдан юзларидан олов жилваланаётган. Муяссарни ўртага олиб савол ёғдириши.

— Башқасини севаман, у ҳам мени севади, — бақириб юборди у ва шу заҳоти қизарип кетди.

Орадан анча кун ўтди. Йигит энди унга эътибор бермай кўйди. Кизлар буни сезишиди. Улар орасида шивир-шивир кучайди. Бир куни Муяссарни саволга кўмид ташлашиди.

— "Почча"миз сенга

қарамай қўйибдими?

— Охири ташлаб кетибди да.

Муяссар дугоналарига бир хат узатди.

— Эшиттириб ўқи, — дугонасидан илтимос қидди кизлар.

... Кетмоқдаман келган жойимга яна, Севгимдан кечиб, лекин охламадим.

Ташлаб кетди-ку, деб кильма таъни, Қоработир бўлишни охламадим.

— Яхши ёзаркан.

— Тўгри қилиди.

Кизлар алламаҳалгача шу ҳақда сўзлашиб ўтиришиди.

— Ёш мухарририятидан! Азиз муштарий! Муҳаббат ҳар кўнгил тубида бўлади. Уни юзага чиқиши-чиқмаслиги одамнинг ўзига боғлиқ.

Бу ҳақда Сиз нима дейсиз? Сизнингча, севги нима?

Мақоладаги йигит тўгри йўл тутдими? Қиз-чи?

Шулар ҳақида ўз фикр мuloҳазаларингизни ёзиб юборинглар.

Ошиқ.



## ЎЗБЕКНИНГ МАЛИКАСИ

Дилноза Расуловани экранда биринчи бор кўрган киши уни албатта ўзбек маликаларига қиёс қиласди: кўзлари шахло, қошлари камон, чиройли, доимо кулимишиб туради. Кейин эса экрандаги санъатини томоша қилиб, нафақат ташки гўзаллиги, балки ички гўзаллиги ҳам бекнёс эканлигига шак-шубҳа қилмайди.

Санъатда машҳур бўлган ёки элга энди танила бошлаган актёрлар ҳақида сўз боргандаги албатта бу соҳага қаёндан ихлос қўйган экан, деган савол сұхбатдош фикрида бўлади. Биз ҳам Дилноза опадан шун сўрадик.

— Ҳозир 21 ёшдаман. Кино оламига эса 4 ёшидан кириб келганиман. Ўшанда "Фунч" ансамблига қатнашар эдим. Кейин мени режиссер Тамара Камолова кинога таклиф этди. Ўшанда биринчи бор "Эртага чиқсанми?" фильмида Юлдуз ролини ижро этганиман.

Сиз уни энди таниндингиз, шундайми? Ҳа-да, ўша "Комила" фильмидаги Комила, "Акмал, аждарҳо ва Малика" фильмидаги Малика, "Акмалинг янги саргузашлари" фильмидаги Гўзал ролларини ижро этган Дилноза опа-

да. Келажакда машҳур актёр бўлиши орзу қилган Дилноза опа бугунга қадар Москвадаги Киномотография институтининг актёrligi факультетини тамомладилар. А.Баталов ижодхоналарida тажрибаларини ортириб, санъатта ихlosлari янада кучайди.

Дилноза опа ҳозирда Узбекистон телерадио компаниясининг "Тошкент" студиясида ишлайдилар. Болалар учун "Полапон" кўрсатувини тайёрлайди.

— Болаларни жуда яҳши кўраман,— деди Дилноза опа.— Уларнинг хатти -ҳаракатларини кузатаман, ўрганаман. Улардан чиқарган хулосаларини ҳаммага етказишни истайман. Шу сабаб ҳам "Полапон"га "етакчилик" қиласман.

Дилноза опанинг орзу-ҳаваслари кўп. Кўрсатувларидаги болаларнинг ҳам келажакда буюк инсонлар, машҳур санъат усталари, ўз соҳаларининг етук мутахассислари бўлишлари учун жон кўйдирадилар. Ҳа, айтандек, кинода ҳам кўп-кўп ролларни бажариши ҳам унутгандарни йўқ.

**Шуҳрат МАМАДВАЛИЕВ.**

## ДУНЁНИНГ ЕТИ МЎЖИЗАСИ

I. Миср эҳромлари. Миср эҳромларини бешта қадимий ёдгорлик ташкил этади. Булар:

1. Энг қадимги пирамида — Жосер исмли фиръавн эҳроми. Эрамиздан аввалги 3000 йилларда яшаган Жосернинг табиби ҳамда меъмори Имхотеп томонидан курилган. Унинг баландлиги 60 метр, 6 қаватдан иборат.

2. 7 қаватдан иборат 70 метрли пирамида. Остида бир қанча йўлаклар бор. Бундан 4700 йил илгари курилган.

3. Энг юксак пирамида фиръавн Хеопс томонидан қарийб 5000 йил илгари курилган. Унинг баландлиги 147 метр, ҳар бир томонининг узунлиги 233 метрдан бўлиб, 2300000 силиқланган оҳактошдан тикланган. Ҳар бир тошнинг оғирлиги 2 тонна.

4. Харфа эҳромининг бўйи 139 метр. Олдидан инсоннинг калласига ўхшаш, бўйи 20 метрли шернинг ҳайкали бор. Уни даҳшатнинг отаси (Абу хавл) деб атасади. Асли исми Сфинкс.

5. Тутмаҳон қабри. Бу қабр XXXII аср муқаддам курилган.

II. Искандария маёги. Сострат Книский деган архитектор томонидан курилган. Эрамиздан аввалги 28 йилда курилган. Пойдевори квадрат шаклда бўлиб, бўйи 120 метр, томонлари эса 30,5 метрдан иборат.

III. Семирамида самовий болгари.

Ироқда жойлашган бўлиб, Ассаргадан асос солинган. (Эрамиздан аввалги 681 йил). Унинг ўргасида 30 метрли Мардух ибодатхонаси бор.

IV. Эфесдаги Артемида ибодатхонаси. Кичик Осиёда жойлашган. Архитектор Херсифрон ва ўғли Метаген томонидан асос солинган. Ўргасида Артемида ҳайкали бор, бўйи 15 метр. Бу ҳайкал 120 йил давомида курилган. Битказилган вақти эрамиздан аввалги 550 йил. Сўнгра унга Герострат эрамиздан аввалги 356 йилда ўт кўйган.

V. Зевс ҳайкали, Афинада Фидий томонидан милоддан аввалги 5 асрда курилган. Бўйи 14 метр.


VI. Стеликарнас макбараси. Ҳозирги Туркияning Бодрум шахрида жойлашган. Эни 66 метр, баландлиги 47 метр.

VII. Родос ҳайкали. Бу ҳайкал Хорес томонидан 12 йил давомида ясалган. Баландлиги 36 метр, 2000 йил илгари курилган.

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Музаффар ПИРМАТОВ**

Таҳир хайъати:

Сафар БАРНОЕВ, Феруза ЖАЛИЛОВА,  
Сойибжон ИСМОИЛОВ, Дилдора  
ТУРАХМЕТОВА, Сабоҳат ШУКУРОВА.



**"ШАРҚ"** нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Булортма № Г—1241. 14834 нусхада босилди. Ҳажми — 1 босма табок. Офсет усулида босилган. Қозо бичими А—3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.

1 2 3 4 5 6

Таъсис этиувчилар:  
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ  
КЎМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲАЛК  
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Газета 1929 йил, 1 августдан "Ленин учунни"  
номи билан чиқа бошлаган

Газета ҳафтанинг сешанба куни чиқади

## Асалтойлар асаби

хаммасига топшириклар жавобларини ёзибина эмас, хамма масала-мисолларни ишлаб бердим... Шу вақт танаффусга кўнгирок чалинди. Менинг ёзма ишм кораламада колиб кетди. Оқка кўчиришга ултурмадим.

Кейинги дарсда ёзма ишнинг жавоблари ўзлон қилинди, Фақат мен "2" баҳо олибман! Атрофа алангладим. "Марҳибон" синфдошларим мен билан ишлари йўқ, ўзларидан кетиб, гоз ўтиришарди... Ўшанда дарсдан қандай отилиб чиқиб кетганимни билмайман. Бу хурматсизлигим, тартибузарлигим учун математика ўқитувчимиз менин ачнагача кечиролмай юрганди...

Мен бундай гаплар ўткини эканини, агар ҳақ бўлса, Марҳабони Сизлар кўрмадингизми? Агар баъзи синфдошларидан ранжиб, мактабдан безиб қолган ўша қизалокни учратсангиз, уни юпатиб, тушунтириб кўйинг: билим бобида соҳта табассум ўйнади... Аввал жаҳлим чиқди. Кейин кўнглимдан "Калай экансизлар, мен ҳам керак бўлиб қоларканман-ку!" деган истехзо ўтди. Шундай гурур билан мендан ёрдам сўраганларини

**Дилфуза БЕГИМОВА,**  
11-синф ўқувчиси.



ЭНГ кўп олмани 1980 йил

23 сентябрь куни АҚШнинг

Индианapolis шаҳрилик 32

яшар Жорж Эйдриан териб

олди. Саккиз соат ичидаги

жами 7180,33 кг олма териб

олишга муваффақ бўлди.

ЭНГ узоқ вақт қарсак

чалишининг уддасидан Ҳин-

дистоннинг Тамилаанд

шаҳрилик С. Жаёромон чиқа

билди. 1988 йилнинг 12 февралидан 15 февраляга қадар, 58 соату 9 дақиқа давомида у тинимизсиз қарсак чалиб турди. Қарсак суръати минутига 160 тани ташкил этди. Қарсак овозини 109,7 метр наридан бемалол эшиши мумкин бўлди.

ЭНГ узун занжир — темирдан эмас, йўқ, резина сақич ўраладиган оддий қороз (этикетка)лардан — АҚШнинг Вашингтон штатидаги Рэмонд шаҳрилик Кэти Ашлар томонидан 1987 йили октябрь ойидаги ясалди. Занжирини гумумий узунлиги 1819,9 метрни ташкил этади.

## Топишмоқлар

- \* Тиши бору сочи йўқ, Тез сузишда тенги йўқ.
- \* Кўкда қилич ярқираиди, Сувда акси ялтираиди.
- \* Кўл-оёқсиз манзил кўзлар, Дўст қалбини дўста сўзлар.
- \* Тиши кўпу оғзи йўқ.
- \* Тили пўлат шоввоз, Сўзлай олмас бекоғоз.
- \* Эмаклаган тошни кўрдим, Тошдан чиқсан бошни кўрдим.
- \* Шарқдан чиқар тонг чоғи, Фарбда унинг ётори.

## Ибраҳим ҚИММАТГА ТУШГАН "САЁҲАТ"

Хазонлар тўкилган кўчадан юриб пастакина эшикдан кирдим. Юрагимда ширин бир ҳис ўйонди. Бу ўй мен учун жуда қадрдан бўлган бувимнинг — Ўғилхон ая Холматованинг ўйи эди. Ичкарига кирдим. Хона — иссиқ, ўй ўртасида — хонтахта. Тўрда эса тасбех ўғирлиб бувижоним ўтирибдилар. Салом бердим. Бувижоним менин кўрибок, ўрнидан турди, мени қучиб алиқ олди. Димогимга ўша таниш ис урди. Ҳол-аҳвол сўраша кетдик. Шу пайт хонага югуриб кирган жиyanим Юнусбекнинг қувончи ичига сигмасди:

— Буви, бугун "беш" олдим. Сиз ҳам мактабда "беш" олармидингиз?

— Йўқ болам... ўқиш менга насиб этмаган.

Бувимнинг жавобидан ҳайратга тушдим. Энди мен саволга тута бошладим:

— Нима учун?

— Бизнинг болалигимиз кечган давр бошқача эди-да, болам... Тўғри ўзимизда очилган етии йиллик мактабга ўқишига кирганман, фақат... фақат ёғим остидан чиққан фалокат менин билим олишдан-маҳрум қилган.

Бувимнинг кўзлари ёшланди, пахтадек юмшоқ кўллари хиёл титраб, титроқ товуш билан ҳикоя килиншида давом этди...

— ... У пайтларда мен ё етии, ё саккиз ўшда эдим. Мен иккинчи, синглим биринчи сингфда ўқирдик, чамаси. Синг раҳбаримиз ёш бир ўқитувчи эди. У бизни саёҳатга олиб чиқмоқчи бўлди. Андикон шаҳрининг сўлим жойларини айландик. Саёҳатимиз сўнггида сойни кечиб ўтмоқчи бўлдик. Сой унчалик чукур эмасди, лекин

суви шиддат ва важоҳат билан оқарди. Иккитадан бўлиб ўта бошладик. Нима ҳам бўлди-ю, менинг қўлиними ушлаб кетаётган синглим қоқилиб кетди. Оёғим чалишиди. Шиддат билан оқаётган сув бизни ҳасдек оқизиб кетди. Довдираб қолган ўқитувчимиз қирғоқ бўйлаб ортимиздан чопаётганини элас-элас кўрдим. Қулоқ-бурним сувга тўлиб, ҳушимни йўқотибман. Ҳушимга келганимда одамлар тепамда туришар, менин ўраб олишганди. Менин-ку кўтқарип қолишиди, лекин синглим... Дунёда жудоликдан оғир ғам бўлмаса керак. Бу ўт онам учун жуда оғир бўлди. Шу воқеадан кейин онам менин ўқиш ҳуқуқидан маҳрум этди...

Юнисга томчилаган ўшни артиб, аввал изтироб чекиб ўтирган Юнисга, кейин эса киприклияга ёш илингандан бувижонимга термулдим. Бувижонимга ширин-ширин сўзлар айтгим келди. Улар кўз ёшлини артиб, сўзини давом эттиридилар.

— Оллоҳа шукурлар бўлсизни, Сизлар фаровон турмуш кечирасизлар. Сизларга шаронт яратиб берувчилар ҳам кўп бисёр.

Бувимнинг ним пушти лабларига табассум юргургане бўлди. Иккى қўлини дуога очиб, деди:

— Болагим, ниятим, тилагим ва орзум шуки, ер юзида жамики болалар қийинчилек нималигини, жудолик ва қайгунинг оғуси нақадар ачиқлигини билмаснлар! Бизга насиб этмаган баҳта сизлар мушарраф бўлинглар, болаларим. Омин!

Зулфия УСМОНОВА сўхбатлаши.

Маълумот учун телефон: 33-44-25

&lt;p